БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 124 (18.601). • Чоршанба, 1983 йил 1 июнь • Баҳоси 3 тийин.

## ИККИ ЙИЛЛИК ОЗУҚА УЧУН КУРАШАЙЛИК

**Жиззах ва Қашқадарё областлари меҳнаткашларининг ибратли ташаббуси кенг қанот ёймоқда**

XXVI

- УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИНИНГ ЯНГИ ТЎЛҚИНИ
- ПИЛЛАЧИЛАР ҒАЛАБА РАПОРТИ БЕРМОҚДАЛАР
- ОЗУҚА ТАЙЁРЛОВЧИЛАР ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН КУРАШДА

# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Маълумки, КПСС XXVI съезди партиянинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ўн биринчи беш йиллик даврига ва умуман 80-йилларга конкретлаштириб берган эди. Бу стратегия совет кишилари йилдан йилга яхшироқ яшашларига ва уларнинг меҳнати тобора салмоқли натижалар беришига, социалистик тузумимиз ўзининг инсонпарварлик моҳиятини, ўзининг бунёдкорлик имкониятларини янада тўлиқроқ намоён этишига қаратилгандир.

Ўзбекистон партия ташкилоти иқтисодий ва социал тараққиётнинг барча соҳаларида партиямиз илгари сурган катта-катта вазифаларни бажара бориб, аҳолини кенг истеъмол моллари билан таъминлаш юзасидан талайгина ишларни амалга оширди ва халқ истеъмол молларини янада кўпайтириш, уларнинг турларини ва сифатини яхшилаш, шу мақсадда мавжуд резервлар ва имкониятлардан янада тўла-тўкис фойдаланиш чораларини кўрмоқда. Кейинги йилларда калава ип, ип ва шойи газламалар, трикотаж ва тикилган буюмлар, пойабзал, мебель, сирланган идиш, маданий-маиший ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқарадиган бир қанча йирик корхоналар ва цехлар ишга туширилгани, кўпгина корхоналар реконструкция қилиниб, техника билан қайта қуроллантирилгани фикримизнинг далилидир.

Республикамизда илгари истеъмол буюмлари ишлаб чиқармаган корхоналар ҳам шундай буюмларни ишлаб чиқариш соҳасига кўпроқ жалб этилмоқда. Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводи коллективининг халқ хўжалиги учун етказиб бераётган химиявий ускуналари ва турбина машиналари довруғи оламга танилган. Лекин корхонада булардан ташқари ҳали қирқинчи йилларнинг охирларидаёқ ишлаб чиқарила бошлаган темир қошиқ ва вилкаларнинг довруғи ҳам озмунча эмас. Ҳозир заводда аҳоли учун 22 хил маҳсулот тайёрланмоқда. Ҳар йили жами 4 миллион сўмлик ошхона жиҳозлари, пичоқ, вилка, болаларнинг ошхона анжомлари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланаяптики, уларнинг учдан бир қисми эса давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда. 1982 йилнинг ўзида республикамизда ўз асосий ишлаб чиқаришидан ташқари халқ истеъмол буюмлари ҳам ишлаб чиқаришга ўтган корхоналарнинг сони 300 тадан ошиб кетди. Оғир саноат ва машинасозлик корхоналари аҳоли учун керакли кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилишига қўшаётган ҳисса анча кўпайди. Маҳаллий хом ашёдан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан моллар ишлаб чиқариш йил сайин ошмоқда.

Бўш меҳнат ресурслари мавжуд бўлган кичик шаҳарларда, район марказларида ва аҳоли пунктларида йирик корхоналарнинг филиалларини қуриш халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантиришнинг энг самарали йўналишларидан биридир. Республика партия ташкилоти томонидан амалга оширилаётган бутун ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар ана шундай филиаллар ва цехларни тезроқ ишга тушириш имконини бермоқда. Кейинги икки йил мобайнида 100 тадан кўпроқ ана шундай филиал ва цех ишга туширилди. Шу муддат ичида айниқса тўқимачилик корхоналари тармоғи кенгайтирилди.

Аммо Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида алоҳида таъкидланганидек, эришилган натижалар партия XXVI съездининг ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг талабларига тўла-тўкис жавоб беради, деб бўлмайди. Пленумда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. Ж. Худойбердиев «КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларни қандай бажарилаётганлиги ҳамда 1983—1985 йилларда аҳолини моллар билан таъминлашни яхшилашга доир қўшимча тадбирлар ҳақида» қилган докладида уқтириб ўтганидек, ҳали кўпгина турдаги молларни ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан аҳолининг пул даромадлари ўртасида номувофиқликка барҳам берилмасдан келяпти. Айрим министрликлар, идоралар, иттифоқ қарамоғидаги бирлашмалар ва корхоналар энг зарур ва кўп талаб қилинадиган моллар ишлаб чиқариш юзасидан 1981—1982 йилларга белгиланган топшириқларни бажармадилар. Енгил саноат, Маҳаллий саноат, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликлари, «Узбитхим», «Средазэлектроаппарат» бирлашмалари, Электротехника заводи, Ўзбекистон металлургия заводи. Тошкент парфюмерия-косметика фабрикалари ва бошқа баъзи корхоналар энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар. Корхоналарнинг 11 процентидан кўпроғи январь-апрель ойларида истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш планини бажармади, 18 процентдан ортиғи эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча камайтириб юборди.

Пленумда айрим областларда савдо тармоғида энг оддий молларнинг ҳам йўқлигига ҳамон тоқат қилиб келишаётгани, бундай молларни жойларнинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этиш чоралари кўрилмаётгани қаттиқ танқид остига олинди. Шунингдек, улар енгил саноат, маҳаллий саноат, озиқ-овқат саноати, мева-сабзавот, қишлоқ хўжалиги ва бошқа бир қанча тармоқларнинг корхоналарида айрим маҳсулотларнинг стандарт талабларига ва техникавий шартларга мос келмайдиган тарзда, эскирган моделлар ва конструкцияларга мувофиқ ишлаб чиқарилаётгани оқибатида бу маҳсулотлар касод бўлиб, савдо тармоқларида қолиб кетаётгани рўйирост очиб ташланди.

Дарҳақиқат, Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» аҳолининг халқ истеъмол молларига талабини истиқболни ҳисобга олиб етарли равишда ўрганишяпти деб бўлмайди. Улар зарур маҳсулотни кўпроқ ишлаб чиқариш соҳасида саноат корхоналарига дурустроқ таъсир ўтказмаяптилар, айрим ҳолларда саноатга буюртма беришда хатоларга йўл қўймоқдалар. Корхоналарда эса аҳоли кўп талаб қиладиган юқори сифатли, кўркам, пишиқ ва алоҳида модали буюмлар тайёрлайдиган ихтисослаштирилган участкалар ҳали ҳам кам ташкил этилмоқда.

Жойлардаги партия ва совет органлари аҳоли учун керакли юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишда, шунингдек халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилишини тезлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш борасида жонбозлик кўрсатиб ишлашлари, маҳаллий хом ашё манбаларини, иккиламчи ресурсларни қўллаш ҳисобига истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирларини кўришлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми худди ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, хилма-хил ва юқори сифатли халқ истеъмоли молларига аҳолининг доимо ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун барча резерв ва имкониятлардан фойдаланиш соҳасидаги ишларни янада яхшилаш ҳамма партия, совет, касаба союз органларининг, министрликлар ва идораларнинг, иттифоқ қарамоғидаги бирлашмалар ва корхонанинг энг муҳим вазифаси қилиб қўйди. 1983 йилда чакана нархларда камида 350 миллион сўмлик, шу жумладан республика қарамоғидаги корхоналарда 106 миллион сўмлик, беш йиллик мобайнида эса 1,2 миллиард сўмлик халқ истеъмол молларини қўшимча равишда ишлаб чиқариш топшириғи белгиланди.

Бу жиддий ва масъулиятли вазифани тўла-тўкис адо этиш учун ҳар бир корхонада махсус цехлар, участкалар вужудга келтириш йўли билан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, яроқли чиқиндилардан, маҳаллий хом ашё ресурсларидан, қум, шағалдан, саноат корхоналари ва ҳунармандчилик ёрдамчи хўжаликлари имкониятларидан энг кўп фойдаланиш, ишни уйда бажарувчилар меҳнатини кенг жалб этиш айниқса муҳимдир.

Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари корхоналарда сиёсий-тарбиявий ишлар савиясини тағин ҳам оширишлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан социалистик мусобақани янада авж олдиришлари, меҳнат коллективларида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, моддий ва меҳнат ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш чора-тадбирларини кўришлари керак. Пленумда алоҳида таъкидланганидек, халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли молларни кўпроқ ишлаб чиқариш — бу КПСС XXVI съезди ўртага қўйган бош иқтисодий вазифанинг — совет халқи фаровонлигини янада ошириш вазифасининг муваффақиятли ҳал этилишига республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари қўшган муносиб ҳисса бўлади.





## МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

Шу кунларда Сурхон воҳаси ғаллазорларида бўлган киши ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлади. Уфқларга туташиб кетган кенг далаларда ғалла бошоқлари денгиз тўлқинларидек оҳиста чайқалади.

Гагарин районидаги «Партия XXIV съезди» совхози ғаллакорларининг ишлари, айниқса, таҳсинга лойиқ. Совхоз меҳнаткашлари бу йил 300 гектар майдондаги арпанинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Хўжаликда экин парвариши билан боғлиқ бўлган барча агротехника тадбирлари юксак мажбуриятга яраша ўз вақтида аъло сифат билан бажарилди. Натижада ҳамма пайкалларда мўл ҳосил етиштирилди.

Айни кунларда бу ерда ҳосилни қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш чоралари кўрилмоқда. Далаларда бешта комбайн ва бошқа техника воситалари юксак унум билан ишлатиляпти. Илғор комбайнчилардан Тоштемир Зиёев, Тўйчи Мардоновлар кунлик топшириқларини ошириб бажариш билан ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Суратларда: 1. Ўрим пешқадами Т. Мардонов. 2. Бош агроном Ш. Норбўтаев билан комбайнчи Т. Зиёевлар бўлиқ бошоқларни кўздан кечиришмоқда.

Ж. Тўраев фотолари.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА

## ТАРИХ САҲИФАЛАРИНИ ВАРАҚЛАБ

Республика Фанлар академиясининг 31 май куни бўлиб ўтган ва Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган сессиясида Ўзбекистон пойтахти археологик тадқиқотларининг якунлари, унинг тарихига доир янги маълумотлар муҳокама этилди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов доклад қилди.

Сессияда Ўзбекистон олимлари билан бирга Қозоғистон, Ўрта Осиё республикалари илмий муассасаларининг жамиятшунослари иштирок этдилар. Нутқларда таъкидлаб ўтилганидек, шу йил кузда кенг кўламда нишонланадиган Тошкент юбилейи илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлиб қолмай, шу билан бирга муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Олимлар Тошкентнинг тарихий ўтмишига тааллуқли изланишларнинг натижалари тўғрисида, Ўрта Осиё халқларининг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда, Шарқда социализм қурилишида у ўйнаган роль ҳақида, дўстлик ва тинчлик шаҳри сифатида Тошкентнинг бугунги аҳамияти тўғрисида ахборот бердилар, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси пойтахтини ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирдилар.

(ЎзТАГ).

## МЕҲНАТ РАПОРТИ

**Сурхондарё область саноат корхоналарининг коллективлари партия XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб ва социалистик мусобақани кенг авж олдириб маҳсулот реализация қилиш ҳамда буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш юзасидан беш ойлик планни муддатидан илгари 27 майда бажардилар. Беш ойлик планга қўшимча равишда 5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. (ЎзТАГ).**

## АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

ТЕРМИЗ, 31 май. (ЎзТАГ). Сурхондарё область партия хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг қарорлари асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ва яхшилаш тадбирларини муҳокама қилдилар.

# МОСКВА А. Я. ПЕЛЬШЕ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси, СССР Олий Совети депутати Арвид Янович Пельше вафот этганлиги тўғрисидаги хабар совет кишиларининг қалбини чуқур қайғуга солди. Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, оташин интернационалист, ленинчи большевиклар шонли отрядининг энг кекса намояндаларидан бирининг юраги уришдан тўхтади.

... Союзлар уйи. Бино пештоқига А. Я. Пельшенинг мотам ҳошияси билан ўралган портрети қўйилган. 31 май куни бу ерда, Колонна залида марҳумнинг жасади солинган тобут гуллар орасидаги супачага қўйилди.

А. Я. Пельшенинг Ватан олдидаги катта хизматларини тақдирлаб берилган мукофотлари: Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккита «Ўроқ ва Болға» Олтин медали, еттита Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, кўпгина медаллар, шунингдек, бир қанча қардош социалистик давлатларнинг мукофотлари қизил ёстиқчаларда супа олдига териб қўйилган.

Мотам куйлари янграйди. Тобут ёнига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан гулчамбар қўйилган. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетидан келтирилган гулчамбар ҳам шу ерда.

Залга янги-янги гулчамбарлар — Латвия Компартияси Марказий Комитети, Латвия ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан, иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумлари ва Министрлар Советларидан, министрликлар ва идоралардан, КПСС Москва шаҳар комитети ва Москва Совети ижроия комитетидан, КПСС Москва область комитети ва Москва область ижроия комитетидан, КПСС ўлка комитетлари ва ўлка ижроия комитетларидан, КПСС область комитетлари ва область ижроия комитетларидан, жамоат ташкилотларидан, марҳумнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларидан гулчамбарлар олиб кирилади.

Соат 11. Ю. В. Андропов, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар фахрий қоровулда турадилар.

Сўнгра Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарлари А. Я. Пельшенинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарлари ёнига келадилар, уларга чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Дафн маросимини ташкил этувчи ҳукумат комиссиясининг аъзолари мотам вахтасида турадилар.

Колонна залига келаётган москваликларнинг кети узилмайди. Завод ва фабрикаларнинг ишчилари, пойтахт муассасаларининг ходимлари, Москва областининг меҳнатчилари, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, фан ва маданият арбоблари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Совет Армиясининг жангчилари, студентлар А. Я. Пельше билан видолашадилар.

Партия ва революция, Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари тобут ёнидан ўтадилар. 1915 йилдан КПСС аъзоси Арвид Янович Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва ўтказишда актив қатнашган эди. 1917 йилда у ишчи ва солдат депутатлари Петроград Советининг депутати бўлган, Коммунистик партиянинг VI съезди ишида қатнашган эди. А. Я. Пельше Гражданлар уруши фронтларида жанг қилди, Улуғ Ватан уруши йилларида эса пропаганда иши билан бир қаторда партия ва совет кадрларини тайёрлаш билан шуғулланди.

Бир неча йиллар мобайнида А. Я. Пельше Латвия партия ташкилотига бошчилик қилди, бу ташкилот республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди.

Коммунистик партия билан халқ ишониб қўйган ҳамма лавозимларда А. Я. Пельше ўз кучи, бой тажрибаси ва билимини марксизм-ленинизм улуғ идеалларига садоқат билан хизмат қилишга бағишлади. У партия қурилиши назарияси ва практикасини ривожлантиришга, партия контролини ташкил этиш ва амалга оширишга, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди.

Арвид Янович қалби дарё ва дилкаш инсон эди. У оддийлиги ва камтарлиги билан, одамларга меҳрибонлиги ва сезгир муносабати билан ажралиб турар эди. Бутун умрини коммунистик қурилиш улуғ ишига сидқидилдан бағишлаган бу инсон партияда ва халқ орасида зўр ҳурмат қозонган эди.

(ТАСС).



МОСКВА. 1983 йил 31 май. Суратда: Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари фахрий қоровулликда. В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. (ТАСС — ЎзТАГ).

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПАРТИЯ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ РАИСИ А. Я. ПЕЛЬШЕНИ ДАФН ЭТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Ҳукумат комиссияси шуни маълум қиладики, 31 майдан 1 июнга ўтар кечаси А. Я. Пельшенинг жасади куйдирилди.

А. Я. Пельшенинг ҳоки солинган қутича Союзлар уйининг Колонна залига қўйилган. Колонна зали кириш учун соат 9 дан 10 гача очиқ бўлади.

А. Я. Пельшени дафн этиш маросими 1 июнь куни соат 11 да Қизил майдонда, Кремль девори ёнида ўтказилади.

## Халқ хўжалигида химия

31 май куни Тошкентда коллоид химияси ва физикавий-химиявий механикага бағишланган саккизинчи Бутуниттифоқ конференцияси ўз ишини бошлади. Конференцияда барча иттифоқдош республикалар илмий-тадқиқот институтларидан келган олимлар иштирок этмоқдалар. Катта халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган актуал проблемалар муҳокама қилинмоқда. Биринчи ялпи мажлисда Давлат мукофотлари лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик И. В. Петрянов-Соколов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик М. М. Дубинин, бошқа таниқли олимлар докладлар қилдилар ва илмий ахборотлар бердилар.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева иштирок этди. (ЎзТАГ).

